



ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Бердибоев С.Э.

Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети 2-курс
талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6570363>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 01- may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 15- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Сифат, ҳуқуқ, фуқаро,
жорий

ANNOTATSIYA

Давлатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Юртимизда инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият саналиб, улар давлат томонидан муҳофаза этилади.

Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб беради. Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида: - «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф

этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.», - деб атаб ўтган эди.

Кейинги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларни янада такомиллаштириш давр талаби бўлиб қолди. 2017 йил 12-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Фуқароларнинг ваколатли давлат органлари ва халқ вакилликларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиши – бу уларнинг давлат ва жамият бошқарувида қатнашишининг амалий шаклидир. Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, ваколатли



давлат органларига фуқаролар ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилганларида бу органларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг таклиф ва аризаларини кўриб чиқишлари рад этилиши мумкин эмас. Ариза, таклиф, шикоятларда ташкилот, муассасалар фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда шундай таклифлар ҳам берилиши мумкинки, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни кўрсатувчи ва давлат ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий тавсифдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Бу фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги энг самарали усулдир. Ариза, таклиф ва шикоятлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи бу, конституциявий ҳуқуқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ва аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шартлиги белгиланган.

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ёки жамоа тарзида давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Конституцияда фуқароларнинг ушбу ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлар қаторига киритилган бўлса-да, ўз моҳиятига кўра у нафақат сиёсий, балки ижтимоий ва иқтисодий

хусусиятга ҳам эгадир. Шахснинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши аини пайтда унинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Давлат органига ариза билан мурожаат этилганда мурожаат этувчининг ўз хоҳиш-истаги, эрки-иродасини ифода этиш, таклиф билан мурожаат этганида давлат ва жамиятишларини бошқаришда иштирок этиш, шикоят билан мурожаат этганида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш, шикоят билан мурожаат этганида эса, бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкониятлари мавжуд бўлади.

Жиноят кодексининг 144-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кўрсатилган. Ушбу модда фуқароларнинг ўз аризалари эркинлигига, давлат бошқаруви ҳокимиятини муассасалари бошқарувини танқид қилиш эркинлигини ҳимоя қилувчи жиноий-ҳуқуқий асосидир. Жиноятнинг объекти ариза, таклиф ва шикоятлар билан ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат қилишга доир жисмоний ва юридик шахснинг ҳуқуқларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига биноан мурожаатлар ариза, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиб улар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.



Бунда ариза деганда ушбу Қонуннинг 3-моддаси буйича, ҳуқуқларини, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожат, таклиф дегенда, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат, шикоят дегенда эса, бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат тушинилади. Мурожаатлар уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Ушбу жиноят икки қисмдан иборат. 1-қисмида кўзда тутилган жиноят объектив томонидан қуйидаги ҳаракатлар орқали содир этилади:

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш.
2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларни узрли сабабларсизбузиш.
3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик.
4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш.
5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш.

Жиноят кодексининг 144-моддаси моддий таркибли жиноят. Бу жиноят жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қуриқладиган манфаатларига ёки жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса тугалланган ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ёки жамият ва давлатнинг қонун билан қуриқладиган манфаатларига етказиладиган зиённинг жиддийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар хусусияти ҳамда маънавий зарар, юридик шахснинг обрўсига етказилган зиённинг аҳамияти, моддий зарар хажми, шахснинг меҳнат қилиш, шахсий, ҳуқуқий ва номулкий бўлмаган ҳуқуқ ва манфаатларининг чекланганлик даражаси инобатга олиниши керак.

Жиноят кодексининг 144-моддаси 2-қисмида Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс



томонидан таъқиб этганлиги учун жавобгарлик кўрсатилган.

Таъқиб этиш деганда, мансабдор шахснинг жисмий ёки юридик шахс давлат органларига ёки бошқа муассасаларга мурожаат қилганлиги ёкиунинг мурожаатида баён этилган танқиди учун ушбу шахснинг меҳнат,

турор жой, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларини ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларини чеклаш тушинилади.

Субъектив томонидан жиноят қасддан содир этилади.

Жиноят субъекти 18 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2021й.
<http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/54>
2. <https://constitution.uz/oz/clause/index>
3. <https://lex.uz/docs/-3336169>
4. ruegel.pdf